

## **2023 йил 9 оyi якуни билан Қорақалпоғистон Республикаси Тахтақўпир тумани бюджетининг ижроси, маҳаллий бюджетига қўшимча даромадлар базасини яратиш ва амалга оширилган харажат ишлари тўғрисида ҲИСОБОТ**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30-декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетитўғрисидаги қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4938-сонли қарорига мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси Тахтақўпир тумани бюджет даромадлар режаси 4 млрд. 664,1 млн.сўм бўлиб белгиланган.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджет даромадлар режаси ҳисобот даврида 4 млрд. 664 млн.100 минг миқдорида белгиланиб, ҳақиқатда 5 млрд. 266 млн. 200 минг сўм туширилиб, режадан ортиқча 602 млн.100 минг.сўм келиб тушиб, режа 112,9 фоизга бажарилди.

Даромадларнинг қуйидаги солиқ турларидан, яъни:

- айланмадан олинадиган солиқдан - 256 млн.сўм;
- юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиғидан – 255,6 млн.сўм;
- жисмоний шахсларнинг даромад солиғидан – 198,1 млн.сўм;
- юридик ва жисмоний шахсларнинг ер солиғидан 324,8 млн.сўм;
- сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқдан 93,8 млн.сўм;
- йиғимлар ҳамда бошқа тушумлар ҳисобидан 184,2 млн.сўм бюджет режасига қўшимча туширилишига эришилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлимлари ҳамда солиқ органлари билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 29 июндаги 445-сонли қарори бўйича 2023 йилнинг 9 оyi давомида қўшимча манбаларни жалб этилиши бўйича амалга оширилган ишлар натижасида, 201 та ҳолатда, жами 10 млн. 765.5 сўм маҳаллий бюджетга қўшимча даромадлар манбалари аниқланди.

Харажатлар тармоқлар бўйича қуйидагича амалга оширилди:

1. Ижтимоий соҳава аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга харажатлари.

Жумладан:

- халқ таълими бўйича 8 млрд 107,2 млн.сўм режа белгиланган бўлиб, ҳақиқатда 7 млрд. 498,2 млн.сўм молиялаштирилиб, режа 92,5 фоизга бажарилди.
- мактабгача таълими бўйича 5 млрд 927,4 млн.сўм режа белгиланган бўлиб, ҳақиқатда 5 млрд. 786,1 млн.сўм молиялаштирилиб, режа 97,6 фоизга бажарилди.
- соғлиқни сақлаш соҳаси бўйича 29 млрд 446,5 млн.сўм режа белгиланган бўлиб, ҳақиқатда 28 млрд.980,5 млн.сўм молиялаштирилиб, режа 98,4 фоизга бажарилди.
- маданият соҳаси бўйича 1 млрд 300,5 млн.сўм режа белгиланган бўлиб, ҳақиқатда 1 млрд. 265,3 млн.сўм молиялаштирилиб режа 97,3 фоизга бажарилди.
- спорт соҳаси бўйича 2 млрд.678,1 млн.сўм режа белгиланган бўлиб, ҳақиқатда 2 млрд. 661,4млн.сўм молиялаштирилди ва режа 99,4 фоизга бажарилди.

- болалиоилаларга ва кам таъминланган оилаларга нафақалар учун режадаги маблағ миқдори 14млрд. 082,5 млн.сўмни ташкил қилиб, ҳақиқатда 12 млрд. 626,9 млн. сўммолиялаштирилиб режа 89,7 фоизга бажарилди.

## 2. Иқтисодиётга харажатлари.

Жумладан:

- ободонлаштириш ташкилотларини молиялаштиришга харажатлар режаси 12 млрд. 398,5 млн. сўм режа белгиланган бўлиб, ҳақиқатда 9 млрд. 482,5 млн. сўм молиялаштирилиб режа 76,5 фоизга бажарилди.

- сўв хўжалиги ташкилотларини молиялаштиришга харажатлар режаси 1 млрд. 859,7 млн.сўм режа белгиланган бўлиб, ҳақиқатда 1 млрд. 710,8 млн.сўм молиялаштирилиб режа 92 фоизга бажарилди.

-Ветеринария комитетга молиялаштириш харажатлар режаси 1 млрд. 300,4 млн. сўмни ташкил қилиб, ҳақиқатда 1 млрд. 286,7 млн. сўм молиялаштирилиб режа 98,9 фоизга бажарилди.

-Қишлоқ хўжалиги министрлигиги молиялаштириш харажатлар режаси 445,7 млн. сўмни ташкил қилиб, ҳақиқатда 442,6 млн. сўм молиялаштирилиб режа 99,3 фоизга бажарилди.

3. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларинисақлаш учун режадаги харажатлар миқдори 9 млрд. 085,5 млн.сўмдан иборат бўлиб, ҳақиқатда 8 млрд.950,2млн. сўм молиялаштирилди ва режа 98,5 фоизга бажарилди.

4. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларини сақлаш соҳасига режа бўйича 1 млрд 372,5 млн.сўм белгиланган бўлиб, ҳақиқатда 1 млрд. 299 млн. сўм молиялаштирилиб режа 94,6 фоизга бажарилди.

5. Туман ҳокимлигининг заҳира жамғармаси учун режа бўйича харажатлар миқдори 662,9 млн.сўм белгиланган бўлиб, ҳақиқатда 640,9 млн. сўм молиялаштирилиб режа 96,7 фоизга бажарилди.